



МЕТАФОРЛАР ТАДҚИҚИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

*Рофиева Гуласал Юсубжоновна,
ЎзМУ 2-босқич таянч докторанти*

Калит сўзлар: *метафора, концептуал метафора, метафора типологияси, концепт, референт, когнитив механизм, метафоризация, мақсад, манба.*

Тилшуносликда метафоралар тадқиқига бўлган муносабат фалсафий таҳлиллардан фарқ қилиб, тадқиқот жараёнида айнан метафоралашган сўзнинг грамматик, семантик, лексик ва стилистик хусусиятлари ўрганилган. Шунинг учун ҳам матндаги ҳар бир сўз муҳим аҳамият касб этган. Замонавий тилшуносликда эса метафоранинг тафаккур билан боғлиқ хусусиятлари эътибор марказига қўйилди. Тил ва тафаккур масалалари инсон онгида янги ғоялар шаклланиш механизмини аниқлашдаги бош омилдир. Мазкур ходисаларни ўрганиш инсоният тарихининг муҳим босқичларини ҳамда тараққиёт мезонларини кашф этишда дастурил амал бўлиб хизмат қилади. Замонавий тилшунослик нуқтаи назарига кўра метафора ана шундай механизмлардан биридир. Дастлаб фалсафада нутқ беағи сифатида таҳлил этилган метафоралар кейинчалик тилшуносликка кириб келди ва бадиий тасвирий восита сифатида ўрганиб келинди. Бугунги кунда эса когнитив тилшунослар метафорага онгнинг қиёсий-таҳлилий фаолияти сифатида баҳо беришмоқда. Яъни тилда мавжуд бўлган ҳар бир сўз айнан ўхшатиш асосида шаклланган бўлиб, бунда **метафора таянч когнитив механизм сифатида** хизмат қилади [1].

Инсониятнинг узок йиллик тажрибаси, маданияти, турмуш тарзи ва одатлари хилма-хиллиги нутқда турли тасвирий ифодалар қўллашни такозо этади. Мазкур ифодалар инсоннинг борлиқ ҳақидаги умумий тажрибаси асосида шаклланиб, турли вазиятлар, фикр ҳамда ҳолатларни ифодалаб келади. Натижада маълум бир сўз ўз маъносидан ташқари кўшимча моҳиятларни ҳосил қилишда ҳам

иштирок этиб, айти пайтда асл маъно мазкур жараёнда таянч вазифани ўтайди. Ушбу ном кўчиши билан боғлиқ тафаккур тажрибалари айнан метафоранинг когнитив назарияси шаклланишига туртки бўлган. Натижада замонавий тилшуносликда янги “концептуал метафора” тушунчаси вужудга келди. Тилшуносликда “концептуал метафоралар” алоҳида тушунча сифатида дастлаб америкалик олимлар Ж.Лакоф ва М.Жонсонлар тадқиқотида ўз аксини топган. Унда таъкидланишича, инсон нутқида метафораларнинг тез-тез учраб туриши мазкур феноменинг маълум бир тизим асосида ўрганилиши кераклигини такозо этади: *“Опираясь на собственно языковые факты, мы установили, что большая часть нашей обыденной концептуальной системы по своей природе метафорична”* [2]. Шунинг учун ҳам олимлар маълум бир маъновий гуруҳга хос бўлган метафораларни алоҳида гуруҳлаб, уларни “метафорик концептлар” ёки “концептуал метафоралар” ҳам деб юритишади. Мисоллар таҳлили ушбу тушунчанинг моҳиятини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Жумладан, “бахс”, “вақт”, “севги”, “илм” ва “бахт” каби концептларнинг инсон тафаккурида қандай маълумотлар манбаи асосида шаклланиши айнан метафоризация жараёнига боғлиқ, яъни ушбу тушунчалар моҳиятини очишда бошқа бир тушунча доирасига хос бўлган сўзлардан фойдаланилади ва натижада икки хил маъновий гуруҳ сўзларини умумийлаштира олган янги моҳият шаклланади. Бу ходиса Ж.Лакоф ва М.Жонсонлар томонидан қуйидагича изоҳланади: *“Чтобы как-то объяснить, что означает метафоричность концепта*



и как он структурирует нашу повседневную деятельность, начнем с понятия *ARGUMENT/СПОР* и концептуальной метафоры *ARGUMENT IS WAR/СПОР — ЭТО ВОЙНА*. Эта метафора представлена в обыденном языке целым рядом выражений: 1. *Your claims are indefensible*. Ваши утверждения недоказуемы (букв, *незащитимы*). (Сизнинг фикрларингиз *ҳимояланмаган*); 2. *He attacked every weak point in my argument*. - Он *нападал на каждое слабое место* в моей аргументации. (У далилларимнинг *кучсиз нуқталарига ҳужум қилди*.); 3. *His criticisms were right on target*. Его критические замечания *били* точно в цель. (Унинг танқидий мулоҳазалари *айни нишонга тегди*); 4. *I demolished his argument*. Я *разбил* его аргументацию. (Мен унинг далилларини *йўқ қилдим (парчалаб ташиладим)*) [2]. Демак “бахс” тушунчаси ҳақида бораётган ҳар тўртала гапдаги метафорик ибораларда “уруш” концептига хос сўзлардан фойдаланилган ва “бахс бу - уруш” концептуал метафораси атрофида умумийлаштирилган. Бунда “бахс”ни ёритиб бериш – мақсад ҳамда *ҳимояланмоқ, ҳужум қилмоқ* ва *нишонга теккизмоқ* каби сўзларни ўз ичига олувчи “уруш” концепти эса – манбадир. Мақсад ва манбанинг бирлашуви орқали юзага келувчи концептуал метафоралар қуйидагича таърифланган: “*Устойчивые соответствия между областью источника и областью цели, фиксированные в языковой и культурной традиции данного общества, получили название «концептуальных метафор»* [2].” Яъни ушбу жамиятнинг тил ва маданият анъаналарида мустаҳкамланган манба майдони ва мақсадли майдон ўртасида барқарор мувофиқлик “концептуал метафора” деб номланган. Инсоннинг фикрлаш қобилияти ва нутқда юзага чикувчи тушунчаларнинг онгда шаклланиш тамойиллари ушбу кўчим моҳияти асосида ишлаб чиқилди. Натижада тил ва тафаккур мезонлари билан боғлиқ баъзи ҳодисаларга аниқлик

киритилди. Жумладан, нутқда шаклланивчи товушлар, белги ёки ишоралар, жестлар, хусусан, сўзларнинг вужудга келиши айнан метафоризация орқали содир бўлади. Шунинг учун ҳам америкалик олимлар Жорж Лакоф ва Марк Жонсон ҳар бир тушунчанинг шаклланиш асосида *метафоризация* жараёни борлигини таъкидлашади [3]. Рус тилшуноси А.Н.Баранов мазкур ҳодисани қуйидагича изоҳлайди: “*Метафоризация* основана на взаимодействии двух структур знаний — когнитивной структуры «источника» (source domain) и когнитивной структуры «цели» (target domain).” Демак, метафоризация билимлар жамланмасининг икки томонлама ҳаракатидан ҳосил бўлади: **манба** ва **мақсад** бирлашуви. Натижада “*метафорик проекция*” ёки “*когнитив тасвир*” ҳосил бўлади. Манба кўлами мақсаддан кўра аниқ, шунинг учун метафоризация жараёни қисман мавҳум бўлган тушунчаларни биз учун аниқроқ бўлган сўзлар ёхуд тушунчалар орқали беришимизга туртки бўлади [2].

Матн таркибида келувчи сўзнинг қандай кўчим асосида юзага келишини компонент таҳлил орқали яққол кузатиш мумкин. Зеро, таҳлилнинг ушбу тури кимёвий моддаларни бир-биридан ажратиб ўрганилганидек, сўзларнинг ҳам бир қанча семаларини алоҳида-алоҳида, чуқур таҳлил этишга хизмат қилади [4]. Худди шунингдек, метафора турларини компонент таҳлил этадиган бўлсак, хилма-хил қонуниятларни ўз ичига олган назарияларнинг умумий жиҳатларини кўриш мумкин.

Концептуал метафора назарияси учун пойдевор вазифасини ўтовчи когнитив лингвистикада амалга оширилган тадқиқотларни ўрганган тилшунос олим Ж.Клейбер, ушбу назария икки йирик классик назариялар – метафоранинг субституцион ва қиёсий назарияларини ошиб ўтди, дея таъкидлайди ва метафоранинг замонавий назариясини қуйидаги босқичларга ажратади:



1. М.Блек ва унинг издошлари томонидан амалга оширилган семантик компонент таҳлил этиш босқичи;

2. Ш.Брук-Роз, Ж.Тамин ва И.Тамба- Меслар томонидан ўрганилган синтактик ўрин тўлдириш босқичи;

3. Прагмасемантик ёки прагматика қонуниятларига асосан метафоранинг семантик жиҳатини аниқлаштириш босқичи;

4. Д.Спербер ва Д.Вилсонларнинг метафорага тил ва тафаккурнинг фундаментал характеристикасини таъсис этувчи прагматик интеграция босқичи [5]. Француз тилшуноси Изабел Коломбанинг илмий соддалаштиришда тасвирий нутқ масаласига бағишланган тадқиқотида метафоралар диққат марказида туради. Олима мазкур феноменни структуравий, грамматик ҳамда референциал жиҳатларга бўлиб ўрганар экан, мисол сифатида илмий матнларнинг икки тилдаги таржимасини таҳлил қилган. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлайди: *“principalement dans les cas particuliers de la didactique des sciences et de la vulgarisation scientifique, la métaphore ne joue pas le rôle ornamental qu'on lui prête couramment, mais a bien une fonction cognitive fondamentale, tout à la fois explicative et modélisante”*, яъни илф-фаннинг дидактик вазифаси турган бир пайтда, метафоралар орнаментал бўёқ бериш эмас, балки илмий назарияларни соддалаштириш ва тушунтириш учун фундаментал когнитив вазифани ўтайди. Мазкур тавсиф когнитив метафоранинг асосий тамойилларидан бири сифатида юзага чиқиб, унинг бадиий адабиёт, илм-фан, дин, маданият ва санъатда қўлланилиши ҳамда улар асосида

шаклланишига кўра референциал турини намоён этади [6]. Чунки ҳар бир йўналиш соҳасига кирувчи ва шу соҳа доирасида шаклланган метафоралар ўзида лингвистик ҳамда экстралингвистик маълумотларни акс эттиради. Шунинг учун ҳам ахборот турига қараб бўлинган мазкур таркибда метафора **“референциал”**, яъни **“маълумот берувчи”** сифатида номланган.

Замонавий тилшуносликда метафора қиймати ва шаклланиш омилларига алоҳида эътибор қаратилган, чунки классик тилшунослик манбалари метафоранинг асосий моҳиятини очиб берувчи назарияларни тақдим этиб, аксарият ҳолларда матндан ҳоли, яъни гап ёки сўзлар мисолида ўрганилган. Бугунги кунга келиб ушбу тушунчанинг ўрганилиш жараёни антропоцентрик қонуниятларга боғлиқ тарзда тадқиқ этилмоқда. Ўрганилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, замонавий лингвистикада метафораларнинг когнитив жиҳатларига асосий эътибор қаратилган. Демак, инсоннинг узоқ йиллик тажрибаси, маданий қадриятлари, географик жойлашуви ва тарихий кечинмалари каби бир қанча факторлар асосида шаклланувчи метафораларнинг мантиқий моҳияти ушбу феноменни тўлиқ англаб етишга кўмаклашади. Нутқ таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи мазкур кўчим чет тилларни ўрганувчи ҳамда таржима амалиёти билан шуғулланувчилар учун баъзи мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин. Қўлланилиш доираси турли соҳаларни қамраб олган метафоралар ҳар бир йўналишда ўзига хос концептуал хусусиятларни қамраб олади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Филатова К.Л. Когнитивное исследование зрительной метафоры во французском языке в сопоставлении с русским языком., диссер...канд.филол.наук., Екатеринбург: 2009.
2. Лакофф Джордж, Джонсон Марк. Метафоры, которыми мы живем: Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А. Н. Баранова. — М.: Едиториал УРСС, 2004.
3. George Lakoff, Mark Johnson. Les métaphores dans la vie quotidienne, (trad. fr.), Paris, Éd. de Minuit, 1983.
4. Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол.фан.номз...дисс., Тошкент, 2000.



5. Anca Cosaseanu. *Métaphore conceptuelle*, Université de Bucarest, 2017.

6. Colombat Isabelle. *Le discours imagé en vulgarisation scientifique étude comparée du français et de l'anglais*, thèse de doctorat, Québec, 2005.

Рофиева Г. Современные подходы к изучению метафор. *В рамках теоретической основы когнитивной лингвистики, эта статья направлена на изучение природы и функции концептуальной метафоры как познавательный и коммуникативный инструмент в науке, особенно в литературных текстах. После общего понимания историческая эволюция метафоры, мы рассмотрим важность метафорического мышления в процессе лексикализации и формулировка / понимание научных теорий. Затем, принимая концептуальный подход Лакоффа и Джонсона и их типологию метафор мы проанализируем на примерах, взятых из множества опубликованных статей, виды метафор, используемых в литературном языке, и роль, которую они играют.*

Rofiyeva G. Modern approaches in studying metaphors. *Within the theoretical framework of Cognitive Linguistics, this paper aims at exploring the nature and the function of conceptual metaphors as a cognitive and communicative instrument in science, especially in literary texts. After a general insight into the historical evolution of metaphor, we will look at the importance of metaphorical reasoning in the process of lexicalisation and formulation/understanding of scientific theories. Then, adopting Lakoff and Johnson's conceptual approach and their typology of metaphors, we will analyse, through some examples taken from a corpus of articles published, the kinds of metaphors used in literary language and the role which they play.*